



MINISTRY OF HEALTH OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN



MINISTRY OF HIGHER AND  
SECONDARY SPECIALIZED  
EDUCATION OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN



ANDIJAN STATE  
MEDICAL INSTITUTE



UNIVERSITY ROSTOCK

[www.adti.uz](http://www.adti.uz)

March 24, 2023.

**International scientific and practical  
conference on International scientific and  
practical conference in cooperation with  
University Rostock on**

**"Innovative approach to the  
treatment of urological  
diseases"**

**MATERIALS**



Andijan

# "INNOVATIVE APPROACH TO THE TREATMENT OF UROLOGICAL DISEASES"

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ОРАСИДА КЕНГ ТАРҚАЛГАН УРОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРИ «АЙСБЕРГ ФЕНОМЕНИ»

Худайбердиев Х.Б., Акилов Ф.А.  
Тошкент Тиббиёт Академияси

**Мавзунинг долзарблиги.** Илмий адабиётлардаги маълумотларга кўра сўнгги 10 йилликларда уrolитиаз, простата хавфсиз гиперплазияси ва онкоурологик касалликларнинг учраш частотаси ортиб бормоқда. Шу билан биргаликда, бу касалликларнинг кечки даврларида аниқланиши ҳоллари кам эмаслиги аҳоли саломатлик кўрсаткичларини пасайишига сабаб бўлмоқда. Аҳоли саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида, бу касалликларни эрта даврларида аниқлаш чораларини топиш долзарб муаммо бўлиб турибди.

**Тадқиқот мақсади.** Хоразм вилояти аҳолиси орасидан кенг тарқалган урологик касалликларнинг тарқалганлигига оид “Айсберг феномени” ни ўрганиш.

**Тадқиқот материал ва усуллари.** Тадқиқот учун Хоразм вилоятининг Янгибозор ва Янгиариқ туманлари танлаб олинди. Ушбу туман аҳолисининг рандом танланган маҳалларида истиқомат қилувчи 3991 киши cross-sectional observation усулда текширувдан ўтказилди. Текширилувчиларнинг ёши 1 дан 82 гача бўлиб, уларнинг 1547 таси эркак (38.76%) 2444 таси аёл (61.24%) жинсига мансубдир ваа улар текширув даврида шифокор кўригидан ўтмаган эди. Ҳар бир текширилувчи махсус ишлаб чиқилган сўровнома билан мавжуд урологик шикоятлари ўрганилди, шундан кейин урологик аъзолари ултратовуш текшируви ва пешоб таҳлили ўтказилди. Тўпланган маълумотлар MS Excel да статистик ҳисобловлар ишловидан ўтказилди.

**Тадқиқот натижалари.** Тадқиқот натижарига кўра, текширув вақтида шифокорга мурожаат қилмаган аҳоли орасида пешоб йўллари инфекцияси 20,7%, простата хавфсиз гиперплазияси 3,96%, уrolитиаз 2,5%, энурез 1,95%, стрессли пешоб тута олмаслик 1,76%, ковуқ ўсмаси 0,5%, простата раки 0,5% ҳолларда аниқланди.

**Хулоса.** Кенг тарқалган урологик касалликлар “Айсберг феномени” Хоразм вилоятида аҳамиятли даражада тарқалган бўлиб, улар орасида пешоб йўллари инфекцияси, простата хавфсиз гиперплазияси ва уrolитиаз кўрсаткичлари устунлик қилади. Бу эса соғлиқни сақлаш тизимида кўпроқ шу касалликларни эрта аниқлаш вазифасини кўяди.

## ПРОСТАТА ХАВФСИЗ ГИПЕРПЛАЗИЯСИ ОПЕРАТИВ ДАВОСИДАН КЕЙИН БЕМОР МУСТАҚИЛ ПЕШОБ ҚИЛА ОЛИШИ ПРОГНОЗИ

Худайбердиев Х.Б., Акилов Ф.А.  
Тошкент Тиббиёт Академияси

**Мавзунинг долзарблиги.** Простата хавфсиз гиперплазияси (ПХГ) туфайли маълум бир беморларда детрузор фаоллиги пасайиши ҳисобига қолдиқ пешоб кўп бўлади ёки пешоб тутилиши рўй беради. Бундай беморларга цистостомик дренаж қўйилади. Маълум муддатдан кейин бу тоифадаги беморларни цистостомик дренаждан халос қилиш учун ПХГ оператив давоси ўтказилади, аммо айрим беморлар операциядан кейинги даврда мустақил пешоб қила олмайдилар. Операциядан кейинги даврда пешоб қила олмайдиган беморларни олдиндан прогноз қилиш нофақат кераксиз операциядан, балки операция туфайли рўй бериши мумкин бўлган асоратлар, бемор молиявий муаммолари кабиларнинг олди олинган бўлар эди.

**Тадқиқот мақсади.** ПХГ операциясидан кейинги даврда пешоб қила олмайдиган беморларни олдиндан прогноз қилиш усулини аниқлаш.

# "INNOVATIVE APPROACH TO THE TREATMENT OF UROLOGICAL DISEASES"

СИЙДИК ПУФАГИ ЛЕЙКОПЛАКИЯСИДА ЦИТОКЕРАТИННИ ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ АНИҚЛАШ  Мамаризаев А.А., Солиев М.Б., Ортикматов Э.А.,	128
ХОМИЛАДОРЛАРДА СИЙДИК ТОШ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ  Садикова Д.И., Абдулазизов С.А.	129
СУРУНКАЛИ ПИЕЛОНЕФРИТНИ КЕКСА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРДА КЕЧИШНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ  Садикова Д.И., Курбанова Д.И., Усманова Ф.Т.	130
ХОМИЛАДОРЛИКДАГИ МУАММО  Садикова Д.И., Юсуфалиева Г.М., Усмонова Ф.Т.	131
СИЙДИК ТОШ КАСАЛЛИГИ ВА ИЧИМЛИК СУВИНИНГ ҚАТТИҚЛИГИ  Шерқўзиева Г.Ф., Саломова Ф.И.	132
ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОННИ ЭРТА АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ АҲАМИЯТИ  Хасанов Д.Ш., Мамадалиев М.М., Ибрагимов О.С.	133
ПРОСТАТА ХАВФСИЗ ГИПЕРПАЗИЯСИ ТРАНСУРЕТРАЛ РЕЗЕКЦИЯСИДАН КЕЙИН ҲАМ САҚЛАНИБ ҚОЛАДИГАН ИРРИТАТИВ СИМПТОМЛАР ПРЕДИКТОРЛАРИ  Худайбердиев Х.Б., Акилов Ф.А.	134
СИЙДИК НАЙИ ТОШЛАРИ ЭКСТРАКОРПОРАЛ ЛИТОТРИПСИЯСИ САМАРАДОРЛИГИ ПРЕДИКТОРЛАРИ  Худайбердиев Х.Б., Акилов Ф.А.	135
ПРОСТАТА ХАВФСИЗ ГИПЕРПАЗИЯСИ ОПЕРАТИВ ДАВОСИДАН КЕЙИН БЕМОР МУСТАҚИЛ ПЕШОБ ҚИЛА ОЛИШИ ПРОГНОЗИ  Худайбердиев Х.Б., Акилов Ф.А.	136
УРОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ПРОГНОСТИК ХАРИТАСИНИ КУЛЛАШ  Шадманов М.А.	137
УРОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ОИЛАВИЙ ШИФОКОРДА КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  Шадманов М.А.	138